

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ,
ШУНИНГДЕК, БАЪЗИЛАРИНИ ЎЗ КУЧЕНИ ИЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартдаги «Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-186-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучени йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 март,
ПФ-94-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 31
мартдаги ПФ-94-сон Фармонида

1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон Фармонида:

а) 2-илованинг 3 ва 56-позициялари чиқариб ташлансин;

б) 3-иловада «Навоий вилояти» бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ					
54.	Навоий шаҳри	Навоий вилояти юридик коллежи	Тошкент давлат юридик университети	Адлия вазирлиги	990
55.	Кармана тумани	Кармана саноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи	Тошкент ахборот технологиялари университети	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	585
56.	Зарафшон шаҳри	Зарафшон саноат касб-хунар коллежи	Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	780
57.	Учкудук тумани	Учкудук кончилиги касб-хунар коллежи		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	630
58.	Кармана тумани	Кармана саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	360

58 ¹ .	Нурота тумани	Нурота саноат-кончилик коллежи		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	405
59.	Навбаҳор тумани	Навбаҳор енгил саноат касб-хунар коллежи	Навоий давлат педагогика институти	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	615
59 ¹ .	Хатирчи тумани	Хатирчи агротехнологиялар техникуми	Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	585

»;

в) **6-илованинг** 38-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3290-сон қарорига **2-илованинг** 12-бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги		
65.	Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети	Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети қошидаги академик лицей

».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 февралдаги «Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини ҳамда муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3557-сон қарори 1-бандининг **учинчи хатбошисидаги** «Навоий давлат кончилик институти» сўзлари «Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарорига **1-илова** қуйидаги мазмундаги 49 ва 50-бандлар билан тўлдирилсин:

«49. Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети

50. Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилик институти».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4410-сон қарорига **5-илованинг** 6-позицияси «Олий таълим муассасаси номи» устунидаги «Навоий давлат кончилик институти» сўзлари «Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4805-сон **қарорида**:

а) **1-иловада**:

«Қорақалпоғистон Республикаси» бўлими «Олий таълим муассасалари кафедралари» устунидаги «Навоий давлат кончилик институти Нукус филиали» сўзлари «Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилик институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Навоий вилояти» бўлими «Олий таълим муассасалари кафедралари» устунидаги «Навоий давлат кончилик институти» сўзлари «Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети» сўзлари билан алмаштирилсин;